**Ш А Р Т Н О М А № 22**

Андижон шахар «06» декабрь 2022 йил.

Ўз Низомига асосан фаолият юритувчи "XIKMATILLO HAMKOR QURILISH" МЧЖ (бундан буён **«Бажарувчи»** деб юритилувчи) унинг номидан рахбари **Ҳ.Ахунжанов** бир томондан **Андижон олимпия ва паралимпия захиралари коллежи** номидан унинг рахбари **Д.Рахимов** иккинчи томондан (бундан буён **«Буюртмачи»** деб юритилувчи) куйидаги мазмунда шартнома туздик:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

**1.1.** «Бажарувчи» ўз зиммасига «Буюртмачи»нинг топширигига кўра куйидаги махсулотларни тайёрлаб беришни, «Буюртмачи» эса ушбу махсулотларни кабул килиб олиш ва уларга хак тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Махсулот номи | Улчов бирлиги | Сони | Нархи | Жами сумма |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Стойка волейбольная | Комп. | 1 | 67 000 000 | 67 000 000 |
| 2 | Мяч баскетбольный | Дона | 20 | 140 000 | 2 800 000 |
| 3 | Ракетки бадминтоные | Пар. | 20 | 1 000 000 | 20 000 000 |
| 4 | Волан для бадминтона | Упак. | 100 | 150 000 | 15 000 000 |
| 5 | Мешок боксерский | Дона | 30 | 1 500 000 | 45 000 000 |
| 6 | Электрофиксаторы с табло (монитор) | Комп. | 1 | 5 000 000 | 5 000 000 |
| 7 | Мяч гандбольный | Дона | 20 | 380 000 | 7 600 000 |
| 8 | Электрофиксаторы с табло (монитор) | Комп. | 1 | 5 000 000 | 5 000 000 |
| 9 | Мяч гандбольный | Дона | 20 | 380 000 | 7 600 000 |
| 10 | Борцовский ковёр | комп | 1 | 15 000 000 | 15 000 000 |
| 11 | Многофункциональный тренажер | Комп. | 1 | 350 000 000 | 350 000 000 |
| 12 | Маска фехтовальная | Дона | 20 | 600 000 | 12 000 000 |
| 13 | Перчатка фехтовальная | Дона | 20 | 250 000 | 5 000 000 |
| 14 | Перчатка фехтовальная | Дона | 10 | 250 000 | 2 500 000 |
| 15 | Штанга разборная | Дона | 8 | 22 000 000 | 176 000 000 |
| 16 | Многофункциональный тренажер | Дона | 1 | 50 000 000 | 50 000 000 |
| 17 | Многофункциональный тренажер | Дона | 1 | 50 000 000 | 50 000 000 |
| 18 | Батут | Дона | 1 | 30 000 000 | 30 000 000 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 19 | Стол для настольного тенниса | Комп | 5 | 10 000 000 | 50 000 000 |
| 20 | Ракетки для настольного тенниса | Пар | 15 | 2 000 000 | 30 000 000 |
| 21 | Теннисный робот | Комп | 2 | 10 000 000 | 20 000 000 |
| 22 | Протектор для единоборств | Дона | 5 | 7 000 000 | 35 000 000 |
| 23 | Шлем боксерский | Дона | 5 | 7 000 000 | 35 000 000 |
| 24 | Футы | Пар | 15 | 1 000 000 | 15 000 000 |
| 25 | Борцовский ковер | Комп | 1 | 50 000 000 | 50 000 000 |
| 26 | Протектор для единоборств | Дона | 15 | 500 000 | 7 500 000 |
| 27 | Борцовский ковёр | Комп | 1 | 60 000 000 | 60 000 000 |
| 28 | Борцовский ковёр | Комп | 1 | 60 000 000 | 60 000 000 |
| 29 | Борцовский ковёр | Комп | 1 | 60 000 000 | 60 000 000 |
| 30 | Медицинбол | Дона | 50 | 100 000 | 5 000 000 |
| 31 | Мяч волейбольный | Дона | 50 | 300 000 | 15 000 0000 |
| 32 | Мяч баскетбольный | Дона | 50 | 300 000 | 15 000 000 |
| 33 | Канат для лазания | Дона | 10 | 200 000 | 2 000 000 |
| | **ЖАМИ** | | | | **1 325 000 000** |

**1.2.** Шартноманинг умумий суммаси **1 325 000 000 (бир миллиард уч юз йигирма беш миллион)** сўмни ташкил этади.

## 2. ШАРТНОМА ҚИЙМАТИ ВА ХИСОБ - КИТОБ ТАРТИБИ

**2.1.** Хисоб – китоб «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади

**2.2.** Шартнома икки томонлама имзолангандан сўнг, 5 банк иш кунида «Буюртмачи» шартномада кўрсатилган ишлар хаки умумий суммасининг 15 % миқдорида яъни, **198 750 000 (бир юз тўксон саккиз миллион етти юз эллик минг)** сўмни олдиндан аванс тарикасида «Бажарувчи»нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

**2.3.** Қолган охирги 85 % ёки **1 126 250 000 (бир миллиард бир юз йигирма олти миллион икки юз эллик минг)** сўмни «Бажарувчи» томонидан етказиб берилган махсулотлар хисоб-варақ фактуралари асосида 22 банк иш кунида ўтказиб беради.

**2.4.** «Буюртмачи» томонидан 15 % миқдорида яъни, **198 750 000 (бир юз тўксон саккиз миллион етти юз эллик минг)** сўмни олдиндан тўлов амалга оширилганидан сўнг, «Бажарувчи» 5 банк иш куни давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган махсулотларни (ишларни) «Буюртмачи»га етказиб беради.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

**3.1.** Томонлар бошқа томоннинг хужжатини расмийлаштирмаслиги ёки нотўғри расмийлаштирганлиги учун жавобгар эмасдирлар.

**3.2.** «Бажарувчи»нинг хуқуклари ва мажбуриятлари:

- Берилган буюртманомага мувофик етказиб берилган «Товар (махсулот)»ни кабул килиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарарни копланишини талаб килиш хукукига эгадир.

- Агар «Товар (махсулот)»ни етказиб бериш жараёнида «Бажарувчи» шартнома шартлари ва нормативларидан чекинишига йўл кўйган бўлса, «Буюртмачи»нинг талаби билан аникланган барча камчиликларни 3 кун муддатда бепул тузатиб беришга мажбурдир.

**3.3.** «Буюртмачи»нинг хукуклари ва мажбуриятлари:

- Камчиликларни бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёки учинчи шахслар томонидан тўгриланишини харажатларини копланишини талаб килиш хукукига эгадир.

- Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни копланишини «Бажарувчи»дан талаб килиш хукукига эгадир.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

**4.1.** «Товар (махсулот)»ни белгиланган вактда етказиб бермаганлиги учун «Бажарувчи» «Буюртмачи»га ўтиб кетган муддатнинг хар бир банк куни учун етказиб берилмаган махсулотнинг кийматидан 0.1 % микдорида, лекин шартноманинг 10 % дан ортмаган микдорида жарима тўлайди.

**4.2.** «Товар (махсулот)»ни етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажарилишни рад этилганлиги учун «Буюртмачи»га белгиланган устамалардан ташкари етказиб берилиши керак бўлган «Товар (махсулот)»нинг 25% микдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташкари «Буюртмачи»га «Товар (махсулот)»ни етказиб беролмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

**4.3.** «Товар (махсулот)»ни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлик етказиб берилмаган такдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи»га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурий бажарилмаган кисмининг 0.5 % микдорида пеня тўлайди. Бирок, бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган «Товар (махсулот)» кийматининг 50 % дан ортик бўлмаслиги керак.

**4.4.** Етказиб берилган «Товар (махсулот)» учун ўз вактида хак тўламаганда «Буюртмачи» «Бажарувчи» га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 % микдорида пеня тўлайди, бирок бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан ортик бўлмаслиги керак.

## 5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

**5.1.** Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан такдирда, томонлар коидага кўра мустакил равишда судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

**5.2.** Келишув билан хал килинмайдиган низолар Ўзбекистон Республикаси Конунчилигига асосан белгиланган тартибда хал килинади.

## 6. ФОРС – МАЖОР.

**6.1.** Томонларга боглик бўлмаган холатлар «Ёнгин, сув тошкини ва бошка табиий офатлар хамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Махкамасининг Карорлари», агарда тегишли хужжатлар билан тасдикланган такдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарликдан озод этилади.

**6.2.** Юкоридаги холатлар юзасидан дархол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

## 7. БОШКА ШАРТЛАР.

**7.1.** Шартнома тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан хал килинади.

**7.2.** Шартнома хар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор килиниши мумкин.

**7.3.** Барча ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган хамда хар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва мухри бўлган такдирда хисобга олинади.

**7.4.** Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси «Бажарувчи»да, иккинчи нусхаси «Буюртмачи»да сакланади.

## 8. ШАРТНОМА МУДДАТИ

**8.1.** Шартнома томонлар имзолаган кундан кучга кириб, худудий Газначилик бошкармасидан рўйхатга олинган кундан кучга киради ва 31.12.2022 йилга кадар амал килади.

**8.2.** Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусхаси хам хукукий жихатдан тенг кучли хисобланади.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

| «Бажарувчи» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| **«ООО XIKMATILLO HAMKOR QURILISH» МЧЖ** | **Андижон олимпия ва паралимпия захиралари коллежи** |
| (таъминотчининг номи) | (бюджетдан маблағ олувчининг номи) |
| Манзили: Хўжаобод тумани, Гулистон МФЙ | Манзили: Андижон шахар мустакиллик 1 уй<br>ИНН:204613652 |
| х/р 20208000000872086001 | х/р: 100010860034017092600135001 |
| Банк номи: Халк банки Хўжаобод филиали | Ўзб.Рес. Молия вазирлиги газначилиги<br>Х/Р: 23402000300100001010 |
| МФО: 00656 СТИР: 305453588<br>ОКЭД: 61111 | МФО: 00014 СТИР: 201122919 |
| **Рахбар** Ҳ.Ахунжанов | **Рахбар** Д.Рахимов |

юрист Ш. Сулаймонов.